

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

11.2021

**научно-теоретический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

4. Никоҳ модели.

18) 卒業式の日であった。家に帰ると新しい母が家の中にいた。

Битирув оқишми кечаси эди. Уйга қайтсам янги ойим уйнинг ичида эди.

Никоҳ моделига алоқадор метафорик мисоллар жуда кам. Лекин бу билан онага алоқадор ушбу моделни белгилаш зарурати йўқлигини англамайди. Чунки туғиш модели ҳақида гапирилганда бевосита никоҳ моделига дуч келинади. Шунинг учун ҳам бу моделни киритиш зарур, акс холда, *繼母-кейбо* – *ўгай онанинг* мавжудлигини тушунтириб бўлмай қолади.

Демак, юқаридагилардан *母-хаха-она* метафорик қўлланилувида, айниқса, асосий эътибор туғиш модели ва тарбия моделида қаратилишини кўриш мумкин. Онани бошқа нарса ва жонзотларга ўхшатилишига оид мисолларни ҳам анчагина эканлиги ойдинлашди.

Энди онага оид стереотипларни метафоравий қўлланилишини таҳлил қиламиз.

Оналик стереотипи. Она боласини қаттиқ севиб, унинг бахтига умид қиладиган инсон сифатидаги тимсол деярли барча халқларда кенг тарқалган концептдир. Европалик тадқиқотчилар аёл кишини босим остидаги жабридийда сифатида таъкидласалар-да, бошқалар буни ижобий маънода тушуниш кераклигини айтишади. Японияда ҳам оналикка жуда катта урғу берилади. Япониянинг либерал демократик партиясининг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари устави”нинг бир қисмида Онани “光—Ёруғлик”ка ўхшатилиши бунинг яққол мисолидир.

19) 婦人は母として民族の伝承者であり、家庭のかなめであり光である。

Аёл она сифатида миллатнинг меросхўри бўлиб, уйнинг негизини ташкил қилувчи ёруғликдир.

Ушбу мисолда она Уйнинг асос негизини ташкил қилиб турувчи нур-ёруғликка қиёсланапти. Демак, Уй асоси ёруғлиги Она, у бўлмаса ёруғлик йўқолиб, уй қоронғи масканга айланади деган маънони англаш мумкин, она бўлмаса, жамиятда туғилиш бўлмайди, миллат давом этмайди. Оналикни гавдалантирувчи *母-хаха* – она сўзи умум қабул қилиш осон тушунча бўлиб, уй аъзоларини бир-бирига боғлаб турувчи асосий ўзак ҳисобланади.

Хулоса. “*母-haha* – Она”нинг маъносига қараб туғиш модели, тарбия модели, никоҳ модели каби уй бекаси сифатидаги стереотиплар йиғиндиси “Она”нинг репрезентатив тимсолини (маъносини) яратиши таҳлили қилинди. Япон тилида уй бекаси-она-стереотипи шаклидаги репрезентатив тушунча кучли ва бу тимсолни нафақат аёл жинсидаги киши, балки эркак жинсли киши ҳам ярата олади.

Япон тилида хотинни *第二の母-дай нино хаха* (иккинчи она) қиёсланиши яққол кўзга ташланади ва бу эр ғамхўрликка муҳтож шахсдек қаралиши жиҳатдан тарбия модели билан боғлиқдир. Япон тилида онани кенг макон сифатидаги ҳудудларга қиёсланади. Бунда бизни ўраб турган, вояга етказган каби тарбия модели назарда тутилади, киндик қони тўкилган муқаддас макон маъноси она орқали ифодаланади. Демак, Она бирлиги кўчма маънода қўлланилиб, шу ернинг ўзига қанчалик яқин, меҳрибон эканлигини, ўз онасидек тарбияловчи сифатида уни ўзига яқин тутиш оттенкаларини беради.

Онанинг метафорик маънолари кўриб чиқилиб, она туғиш ва тарбия машинаси, туғдирувчи асос, таянч, ҳовуз, уйнинг негизини ташкил қилувчи ёруғлик каби хилма-хил нарса ва ҳодисаларга қиёсланиши аниқланди.

Япон тилида она Уйнинг ёруғлигига қиёсланиб, бир Уйнинг (家-ие) асос негизини ташкил қилади. Она Уй аъзоларини бир-бирига боғлаб турувчи асосий ўзак ҳисобланади. Тарбия модели билан уй бекаси стереотипларида уй ишлари, бола тарбияси билан шуғулланишга кўниккан аёл она сифатида олинаётганини тушуниш мумкин. Шу ўринда, онага руҳий босим стереотипида оналик стереотипи назарда тутилар экан. Аёл ҳам хотин, ҳам она сифатида уйдаги юмушлар билан банд бўлиб, уйга бутунлай боғланиб, ташқи дунёдан чегараланиб қолган шахс сифатидаги репрезентацияси ҳам *母 haha-она* ва *家-ие* – Уй бир бири билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди.

Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович (Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси
Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
БАДИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада бадий таржима жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларнинг бартараф этиш усуллари ҳақида батафсил фикр юритилади. Унда таржима жараёнида ас-

лият ва таржима матнларининг фонетик, синтактик, лексик, стилистик сатҳлари ҳамда лингвомаданий хусусиятлари борасидаги муаммоларни бартараф этиш усуллари муаллифнинг бадиий таржима борасидаги тажрибаси ва жаҳоннинг таниқли таржимашуносларининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган.

Аннотация. В статье подробно рассматриваются проблемы возникающие в процессе художественного перевода и способы их преодоления. Анализируются проблемы, возникающие на фонетических, синтаксических, лексических, стилистических и лингвокультурологических уровнях в исходном и целевом тексте соответственно. Приводятся рекомендации автора, имеющего опыт в области художественного перевода, и переводчиков-специалистов.

Annotation. The article discusses in detail the problems arising in the process of literary translation and ways to overcome them. In the article, the ways to overcome the problem arising in the phonetic, syntactic, lexical, stylistic and linguoculturological levels in the source and target text according to the author's experience in the field of literary translation and the recommendations of specialist translators.

Калим сўзлар: таржима, бадиий таржима, аслият матн, таржима матн, муаллиф фикри, кўникма, таржимон, наср, лексик бирлик, маъно.

Ключевые слова: перевод, художественный перевод, оригинальный текст, переведенный текст, мнение автора, мастерство, переводчик, проза, лексическая единица, значение.

Key words: translation, literary translation, original text, translated text, author's opinion, skill, translator, prose, lexical unit, meaning.

Бадиий асарларни, жумладан, романларни, қисқа ҳикояларни, эссе ва бошқаларни таржима қилиш уни қайтадан яратиш демакдир. Қуйида ўзимизнинг бадиий адабиётларни таржима қилиш жараёнида орттирган тажрибаларга асосланган ҳолда, насрий таржимонлар амал қилиши лозим бўлган қуйидаги принципларни илгари сурмоқчимиз:

- 1) таржима қилинган ёзма ва оғзаки тилни чуқур тушуниши;
- 2) таржима қилинадиган тилни мукамал билиши;
- 3) таржима қилинган китоб мавзусидан хабардор бўлиши;
- 4) икки тил ўртасидаги этимологик ва идиоматик алоқаларни чуқур билиши;
- 5) қачон қайси сўзни қўллашни яхши билиши ҳамда аниқ эквивалентларни топиши зарур.

Бундан ташқари, насрий таржимонлар таржима муаммоларини самарали ҳал қилиш учун қуйидаги баъзи усуллардан хабардор бўлишлари муҳим:

1. Тескари таржима. Тескари таржимани бошланғич матн билан таққослаш баъзида асл таржиманинг тўғрилигини текшириш учун ишлатилади. Бу усул эквивалентларни топиш учун ишлатилган кенг тарқалган амалиётлардан биридир:

- а) объектларни манба тилидан таржима қилинаётган тилга ўгириш;
- б) уларни аслият тилига қийналмай таржима қилиш.

2. Бошқа мутахассислар билан кенгашиш. Энг муқобил лисоний бирликларни танлаш учун икки тилни мукамал билладиган мутахассислар билан сўзларнинг ишлатилиши ва маъносини муҳокама қилиш.

3. Суҳбатлар ёки анкеталар, ҳар қандай тестлар: улар таржима қийинчиликларини бартараф этиш учун ишлатилади.

Бундан ташқари, таржимонлар таржимани ёдда тутишлари керак. Ж.С.Катфорд уларни манбаа тилини таржима тилига айланишини аэропортлар ўртасида учган самолётга ўхшатади.¹ Унинг фикрига кўра, таржима жараёнида бадиий матн аслият тилидан таржима тилига ўтиш жараёнида қуйидаги ўзгаришлар содир бўлади ва бадиий адабиёт таржимони шу ўзгаришларга ҳам эътибор қаратиши лозим:

- 1) дастлабки матн таркибидаги ва таржима матн таркибидаги грамматик ўзгариш билан боғлиқ бўлган таркибий ўзгаришлар;
- 2) манба тилининг белгиси таржима тилида бошқа грамматик гуруҳга тегишли бўлган тил белгиси билан алмашиши, яъни феълни от билан таржима қилиниши;
- 3) позициянинг ўзгариши билан боғлиқ ўзгаришлар;

¹ Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. Indiana: Oxford University Press, 1965, 160 p.

4) манбаа тили ва таржима тили тизимлари деярли расмий равишда изчил тизимларга эга аммо таржима қилинаётган тил тизимида номақбул сўзни танлашни талаб қилганда ички тизим ўзгаришлари рўй бериши.¹

Н.Версеманинг маълумотларига кўра, маданиятлараро муносабатлар оммалашмоқда ва буни таржимонлар эътиборга олишлари лозим.² Агар бадиий матн таржимони икки томонлама, яъни ҳам тилга, ҳам маданиятга эътибор қаратган ҳолатда таржима жараёнини амалга оширсан, бадиий насрнинг таржима қилишдаги муаммолар кўп жиҳатдан ҳал қилиниши мумкин. Тиерри мукамал икки тиллиликни қуйидаги икки жиҳатда кўриш мумкин, деб таъкидлайди:

- 1) иккала тилни ҳам яхши билиш;
- 2) иккита она тилга эга бўлиш.³

Н.Версеманинг ёндашуви Е.Ниданинг фалсафасига жуда ўхшайди, чунки у таржима орқали кенг маданий бўшлиқни бартараф этишга ҳаракат қиланади, деб ҳисоблайди. Насрий таржимонлар учун эса чет элнинг барча ўзига хослигини таржимада тушириб қолишнинг иложи йўқдир. Унинг сўзларига кўра, манба ва таржима тиллари жуда кўп турли хил маданиятларга эга бўлиши мумкин, бу жараён кўпгина долзарб масалалар ва тавсифларни ўз ичига олади, аммо биз таржима жараёнида тил ва маданий бирликларни барчасини ҳам таржима тили маданиятига мослаштира олмаймиз. Таржима қилинаётган тилнинг маданий белгиларини таништиришда эса қуйидагилар алоҳида аҳамиятга молик:

- 1) матн ўқилиш жараёнида равон бўлиши;
- 2) матн хорижий маданиятни тасвирлаши;
- 3) таржимон манба тили маданиятига яқинлашиши;
- 4) тайёр таржимани ўқиётган китобхон кўз ўнгида манба тили маданиятининг тўлиқ тасвири пайдо бўлиши.⁴ Шунга кўра, таржима жараёнида табиийлик пайдо бўлишида нафақат маълум грамматик ва лексик белгилар, балки гапнинг интонацияси ва ритми ҳам катта аҳамият касб этади.

Е.Нийда таъкидлаганидек, рецепторлар тилидаги табиий ифода асосан мувофиқлик масаласидир. Шундай қилиб, таржимон бошқарадиган усуллар фақат тилга оид қоидалардан ташқари, декодлаш ва транскодлаш жараёнларини ҳам босиб ўтади. Ниҳоят, буларнинг барчаси таржимон ва нашриёт талабига кўра амалга ошади.

Бундан ташқари, Х.Беллок каби таржимашунослар томонидан тақдим этилган насрий таржимонлар эътиборга олиши лозим бўлган тамойилларни тақлиф этишган ва улар қуйидагилар:

- 1) таржимон асарни тўлиқ ўрганиб чиқиши ва бўлимларга бўлиб таржима қилиши керак;
- 2) таржимон ибораларни бирма-бир маъносини ифодалаши керак;
- 3) таржимон лекик бирликлар таржимасини етказишга қийналса, бирор-бир сўзни ўта мураккаб вазиятда бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, уни таржима қилиши керак;
- 4) баъзида сўзлар ёки шакллар манбаа тили ва таржима тилида бир-бирига тўғри келиши мумкин бўлган, аммо, аслида, бир-бирига зид бўлган ҳолатларни ифодалайди. Бундай сўзларни биз таржимашуносликда “таржимонни чалғитувчи сўзлар” деб ҳам атаймиз;
- 5) таржимон жасорат билан ўз ишига ёндашиши шарт;
- 6) таржимон ҳеч қачон ҳаддан ортиқ бўрттиришга йўл қўймаслиги лозим.⁵

Ушбу олтита тамойилга асосланган таржимани Х.Беллок қўллаб қувватлашни тавсия қилади. Унинг фикрича, агар таржимон шу тарзда ишласа, унга таржима қилиш осонлашади ва таржима қилинган матнда бадиий-эстетик бўёқдорлик акс этади. Бундан ташқари, таржимон таржима қилинаётган тилнинг стилистик ва синтактик талаблари ҳақида унутмаслиги керак. Кўпгина назарийчиларнинг фикрига кўра, таржимон таржима жараёнида матнни маълум миқдорда ўзгартириш ҳуқуқига эга. Аслида, таржимон буни мақсадга мувофиқ бажаришга ҳақлидир, чунки таржима пайтида у аслият тилнинг стилистик ва идиоматик нормаларини ёдда тутиши керак. Агар шундай бўлса, ўқувчилар матндан кўпроқ завқ олишлари мумкин.

¹ Шу манба.

² Wiersema, N. Globalisation and Translation. Translation Journal, 8(1). Retrieved from <http://translationjournal.net/journal//27liter.htm>, 2004.

³ Thierry C. True Bilingualism and Second Language Learning. In D.Gerver & H. Sinaiko (Eds.), Language, Interpretation and Communication. New York, Plenum Press, 1978.

⁴ Wiersema N. Globalisation and Translation. Translation Journal, 8 (1). Retrieved from <http://translationjournal.net/journal//27liter.htm>, 2004.

⁵ Belloc H. On Translation. Oxford, The Clarendon Press, 1931, 92 p.

Х.Беллоқнинг таклифига кўра, таржимон ўз ишини, дастлаб, қоралама қилиши керак. Бироқ, бу билан боғлиқ муаммо мавжуд бўлиб, одатда, таржима бирлигини шакллантириш қийин бўлади. Матн асосий қисм эканлигини унутмаслигимиз даркор. Бироқ, лирик-таржимоннинг вазифаси анча содда, у асосий матнни таржима қилинадиган қисмларга ажратиши мумкин, масалан, сатрлар, байтлар, стензалар. Аммо насрий таржимоннинг вазифаси яна-да мураккаб. Албатта, биз кўплаб романларни бобларга ёки бўлимларга ажратишимиз мумкин, бироқ насрий матннинг тузилиши ҳеч қандай бобда кўрсатилгандек чизикли эмас. Агар таржимон ҳар бир жумла ёки параграфни минимал birlik сифатида қабул қилса ва уни умумий иш билан боғламасдан таржима қилса, нотўғри таржима қилиш хавфи мавжуд.

Проза таржимонлари ҳар қандай икки тилли мутахассис иккинчи тилни яхши билганлиги сабабли ҳужжатларнинг қоникарли, ҳатто юқори сифатли таржималарини тайёрлай олади, деб ўйламаслиги керак. Икки тиллиларда тил учун зарур бўлган қобилят, кўникма, ҳатто асосий ақлий жараёнлар, умуман, таржима учун зарур бўлган жиҳатлардан фарқ қилади. Биринчидан, насрий таржимонлар бошқа одамларнинг фикрларини ўқий олишлари, тушунишлари ва ҳис қилишлари, кейин уларни аниқ, тўлиқ ва лўнда таржима қилишлари керак. Агар улар буни қила олсалар, ўқувчилар асл маънони англайдилар. Одатда, таржимонларнинг фикрича, энг яхши таржималарни иккинчи тилдан она тилига таржима қилган одамлар амалга ошира оладилар, чунки иккинчи тилни ўрганганлар учун бу тилда равон баён этиш мураккабдир. Бунинг маъноси шуки, бизнинг она тилимиз ўзбек тили бўлганлиги боис, инглиз ва бошқа тиллардан ўзбек тилига амалга оширилган таржималар она тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржималардан кўра самаралироқ бўлади.

Таржимада ўзгаришлар бўлиши, табиий, бу асл нусханинг ўзгариши туфайли таржимада, ҳақиқатдан ҳам, таъсирчанлик ўсиши, кенгайиши ҳолати кузатилади”¹.

Шунга қарамай, биз таржимоннинг ишини қадрлашимиз керак. Таржимон доимий равишда “воситачи” сифатида ишлайди. Аммо, таржимада биз доимо бирор нарсани йўқотиб қўямиз, деб ишонилади, аксинча, биз бундан ҳам бирон нарса олишимиз мумкин. С.Басснетт ва А.Лефеве таъкидлаганидек: “Бу ҳолат таржиманинг мақоми пастлигидан яна бир далолатки, матнни манба тилидан таржима тилига ўтказиш пайтида йўқолган белгиларни муҳокама қилиш учун қанча вақт сарфлаш кераклиги, шу билан бирга, нимага эришиш мумкинлиги эътиборсиз қолади. Таржимон баъзан таржима жараёнида бевосита манба тили матнини тўлдириши ва аниқлаштириши мумкин”².

Бундан ташқари, кўпинча, манба тили контекстида “йўқолган” деб қараладиган жиҳатни таржима тили контекстида алмаштириш мумкин. Охир-оқибат, таржима ҳам назария, ҳам амалиёт бўлгани учун, таржимонлар насрни таржима қилишда юзага келадиган қийинчиликларни ҳал қилишдан ташқари, матннинг бадиий хусусиятлари, унинг моҳияти ва ёндашуви, шунингдек, тил сатҳлар (лексик, грамматик ёки фонологик) ҳақида ҳам ўйлаши лозим. Шуни унутмаслик керакки, битта тилнинг стилистик хусусиятлари бошқасидан жуда фарқ қилиши мумкин. Шунингдек, таржимонлар таржимада эквивалентликни топишга ҳаракат қилишлари ва шунга кўра, уларни баён этишда эҳтиёт бўлишлари ва китобхонларга таржимани манба матнининг фикрлари, тушунчалари ва сўзларини тўғри акс эттиришлари даркор.

Одилова Гулноза (доцент, филология фанлари доктори, Тошкент шаҳридаги Ёджу Техника институти; e-mail: gulnozaodilova@gmail.com)

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ХАЛҚНИНГ ОВҚАТЛАНИШ РАЦИОНИ ВА САРОЙ ЗИЁФАТЛАРИДА ШАРҚОНА ХИЗМАТ КўРСАТИШ АНЪАНАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темур давридаги оддий халқнинг тановвул рациони ва сарой зифатларига оид Испан сайёҳи Луи Гонзалес де Клавихонинг Амир Темур салтанатига сайёҳати қайдномаларидан иборат “Самарқандга – Амир Темур саройига сайёҳат кундалиги” асари мисолида ўрганилган. Келтирилган тарихий фактлар лингвостилистик таҳлилга тортилиб, ўша даврдаги Европадаги меҳмоннавозлик анъаналари билан қиёсланган.

¹ Derrida J. What is a ‘Relevant’ Translatio. In L. Venuti (Ed.), The Translation Studies Reader (L.Venuti, Trans). New York, Routledge, 2004, 232 p.

² Bassnett S., Lefevere A. Constructing Cultures: Essays on Literary Translation. Clevedon, Multilingual Matters, 1998, 321 p.

Шомирзаев Махматмурод Хурамович. Халқ хунармандчилигида “Кластер” методидан фойдаланишнинг инновацион стратегияси.....	99
Madaminov Azimbek Egamberganovich. Talabalarining jismoniy madaniyat ta’lim yo’nalishida ilmiy tadqiqot olib borish parametrlari.....	102
Худайбердиева Нодира Абдуякубовна, Норкулов Шавкат Тургунбоевич, Қидиров Аброр Қудратович, Ғайназаров Бунёд, Камардинова Чарос Бахтиёр қизи. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш хусусида.....	105
Юлдашев Жавохир Абдурахим ўғли. Талабаларда тарих фани орқали аксиологик билимларни ривожлантириш.....	110
Davlatova Hulkaroy. The Influence of the English Language on the Speech of Uzbek Children.....	112

ILMIY AXBOROT

Ҳайитов Акмал Холбоевич. Талаба-ёшлар бўш вақтининг таркибий тузилиши.....	116
Самигова Хушнуда Ботировна, Маматқулова Нодира Ғайзулла қизи. Эркалаш ва кичрайтириш термини изоҳи турли тиллар нигоҳида.....	118
Амонтурдиева Шоира. Диний матнларда гапнинг ифода мақсадига кўра турларининг қўлланилиши.....	122
Babayev Maxmud Tashpulatovich. O’quv mashg’ulotlari jarayonida nemischa suffikslar yordamida otlarning yasalishini o’rganish.....	126
Найдарова Нодирабегим Аҳтамжон қизи. Badiiy diskursda inson fiziologiyasi bilan bog’liq til birliklarining lingvomadaniy tahlili.....	128
Каримов Рустам Абдурасулович. Параллел корпуснинг лингвистик хорижий тил лингводидактикасидаги аҳамияти ва таржимонлик соҳасидаги имкониятлари.....	131
Абдухамидова Дилафруз Абдухабирова. Япон тилида 母-хаха (она) сўзи ва унинг семантик моделлари.....	134
Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович. Бадий таржима муаммоларини бартараф этиш усуллари.....	140
Одилова Гулноза. Амир Темур даврида халқнинг овқатланиш рациони ва сарой зиёфатларида шарқона хизмат кўрсатиш анъаналари.....	143
Ismoilov Pyos. Iskandarning Hindiston va Chinga yurishlari Alisher Navoiy talqinida.....	147
Саидова Мухайё Умедилоевна. Инглиз адабиётшунослик терминларини ўзбек тилига таржима қилиш масалалари.....	150
Mizrabova Jeren Ismailovna. Ingliz tilidagi kalamburning o’zbek tiliga tarjimasida qayta yaratish muammolari.....	153
Батиршина Жумакул Колмирзаевна. “Уста ва Маргарита” романининг ўзига хос бадий хусусиятлари.....	157
Ashirova Anorgul Ismoilovna, Baltaeva Iroda Ismailovna, Yangibayeva Reymajon Adilbekovna, Allaberganova Nasiba Muradovna. Articulate storyline dasturida test yaratish uslubiyoti.....	159
Тўхлиев Мансур Махмудович. Такмиллаштирилган кўёш сув иситиш коллекторини тадқиқот қилиш.....	164
Shukurova Sabohat Odilovna. Shaxs va jamiyat paradokslarining obrazlar evolutsiyasidagi interpretatsiyasi.....	167
Qurbonova Shahlo Shuhratovna. Jamiyat konsepsiyasi va ko’p qatlamli tasvir.....	170
Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich. “Makbet” va “Abulfayzxon” tragediyasida falsafiy so’zlar va tabiat va jamiyat tushunchasi.....	173
Абдуллаева Раъно Хикматовна. Ценностный аспект эстетической репрезентации пословиц узбекского и русского языков.....	176
Юсупова Камола. Исторические формы рекламы в государствах древнего мира.....	179
Ibrokhimova Dilshoda Turayevna. Studying the Phenomenon of Humanity at the Center of the Universe is the Main Principle of the Philosophy of Anthropocentrism.....	182
Abdinazarov Khasan Shaymanovich. Lexical Deficiency of Oil and Gas Terminology Observing in Translation from English into Uzbek language via GT (Google-translate).....	186
Arslonbekova Rano. Principles of Business Correspondence.....	189

FANIMIZ ZAHMATKASHLARI

Самарали меҳнат натижаси.....	194
Эл саломатлиги фидойиси.....	195